



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "5" may

Қ-385 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани "AGRO TRANS SERVIS LIZING" хусусий корхонасига озуқабоп экинлар экиш ва чорва молларини сақлаш комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 08 мартдаги ПҚ-4243-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/702-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 07 сентябрдаги 01-05/141-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани "AGRO TRANS SERVIS LIZING" хусусий корхонасига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида "Жарқўрғон" массиви "Ободгузар" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 214,216 ва 217-дала контурларидаги жами 6,6 гектар, шундан 0,9 гектар суғориладиган экин ер, 5,0 гектар яйлов, 0,2 гектар йўллар ер билан банд бўлган ер майдонлари озуқабоп экинлар экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 0,5 гектар бошқа ер майдони чорва молларини сақлаш комплекси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан, шундан 214-дала контурининг тупроқ унумдорлиги 42,0 балл бонители умумий ер майдони 1,0 гектар, шундан 0,5 гектар суғориладиган экин ер ва 0,5 гектар бошқа ер майдони, 216-дала контурининг тупроқ унумдорлиги баҳоланмаган умумий ер майдони 4,6 гектар, шундан 0,4 гектар суғориладиган экин ер, 4,1 гектар яйлов ва 0,1 гектар ариқ ва зовурлар билан банд ер майдонлари ҳамда 217-дала контурининг умумий ер майдони 1,0 гектар, шундан 0,9 гектар яйлов ва 0,1 гектар йўл билан банд бўлган ер майдонлари ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини

доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов